

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА УРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

Бухоро давлат университети

Табиий фанлар факультетети

Тупроқшунослик ва география кафедраси

Дехкончилик фанидан курс иши



Бухоро-2015 й

Кўп йиллик бегона ўтлар

Кўп йиллик бегона ўтлар турли хил оилага мансуб, 322 турни ташкил этиб, бир йиллик ва икки йилликлардан фарқ қилади. Ҳамда кўпаяувчи махсус органлари бўлмай генератив (уруғидан) ва вегетатив (илдизпоя, илдиз куртакларида) йўл билан кўпаяди. Улар ўсув даври давомида бир неча марта ҳосил (уруғ) бериши мумкин ва ҳар йили қишда унинг ер устки органлари қурийди. Қишлаган ер ости органи, яъни илдиз бўғзидан ёки илдиз пояларидан қайта янги поялар ўсади ва ривожланади. Кўп йиллик бегона ўтлар ер усти ва ер ости органларининг тузилишига қараб гуруҳларга бўлинади. Бинобарин, ер усти қисмига қараб тик, ер бағирлаб, чирмашиб ёки ўралашиб, ер ости қисмига қараб эса ўқилдизлар, илдизпоялилар, илдизбачкилилар, попук илдизлилар, пиёзбошлилар, туганаклиларга бўлинади. Шулардан илдизпоялилар, илдизбачкилилар экинларнинг ашаддий бегона ўти ҳисобланади ва уларни йўқотиш анча қийин, чунки илдиздаги ҳар бир куртақдан янги ўсимта чиқиши мумкин.

Ўқ илдизлилар. Бу гуруҳга мансуб бегона ўтларнинг асосий ўқ илдизи тупрокда 2 дан 15 м гача чуқурликка таралади. Асосий илдиздош жуда кўп ён илдизлар чиқади. Ўқ илдизлилар группасига откулоқ, сачратқи, кампирчопон, қоқи ўт, изен, эрмен кабилар киради. Улар асосан уруғидан кўпаяди, лекин вегетатив йўл билан ҳам кўпайиши мумкин.

Қоқиўт – (*Taraxacum vulgare. Lam.*) мурак-кабгулдошлар (Compositae) оиласига киради. Ҳамма ерда тарқалган (12-расм). Боғларда, полизларда, ташландиқ ерлар атрофида жуда кўп ўсади. Поясининг ичи бўш, баргсиз, бўйи 15-30 см. Илдиз бўғзидан чиққан барглари патсимон қирқилган шаклда. Тўпгули олтин ранг-сарик гулли саватча. Апрельдан сентябргача гуллайди.



12-расм. Қоқиўт

Уруғдан ва қисман илдиз бачкиларидан кўпаяди. Уруғида думчалари бўлиб, шулар ёрдамида шамол билан тарқалади. Битта ўсимлиги 250 – 700 та уруғ тугади. Уруғи пишиши билан тезда униб чиқади. Уруғини 0,5-1 см кўмилса бас. Пишиб етилмаган уруғлари ҳам униб чиқади. Биринчи йили ўсимлик фақат тўпбарг ва ўқилдиз, иккинчи йили эса гулловчи поя чиқаради.

Оққурай (*Psoralea drupacea Bge*) - дуккакдошлар оиласига мансуб, бўйи 60-130

см га етади. Ўқилдизи бақувват йўғон бўлиб, узунлиги 2 м гача боради. Пояси тик ўсади, усти майин тукчалар билан қопланган. Барглари оддий, узунлиги 2-5 см, думалоқ, овал шаклда бўлади. Май-июнда гуллайди, уруғи эса июл-сентябрда пишади. Асосан уруғидан кўпаяди, аммо уруғлари майда. Ҳар бир дуккагида бир дона уруғ бўлади. Оққурай ўрилгандан кейин яхши кўкаради.

Илдизидagi куртаклари айрим вақтларда кўкариб чиқиши мумкин. Оққурай баҳори, кузги ва бошқа экинлар орасида ўсиб, ривожланиб уларга зарар келтиради. Мамлакатимизда кенг тарқалган. Оққурайни ҳайвонлар емайди, уруғи аччиқ, ғаллага аралашса унинг таъмини бузади. Ўсимлиги медицинада ишлатилади.

Сачратқи (*Cichorium intybus L*) - илдизининг узунлиги 2-3 м бўлиб, поясининг баландлиги 1 м гача етади. Гули ҳаво ранг бўлиб, эрталаб очилади ва соат 11-12 ларда юмилиб қолади. Агар илдизи кесилса, янги ўсимта ҳосил қилиб кўкаради.

Попук илдизлилар. Буларнинг асосий ўқилдизи мутлақо бўлмайд. Ер усти пояси кўпая бориб, чим ҳосил қилади. Буларга шучка, зуптурум мисол бўлади.

Шучка (*Deschampsia caespitosa L.*) - бошоқдошлар оиласига киради. Ўтлоқларда, яйловларда, ўрмон, ёкаларида ўсади, кўпинча кўп йиллик хашаки ўтлар орасида учрайди. Энг зарарли бегона ўт ҳисобланади, чунки дўнгликлар ҳосил қилиб, экинларни парвариш қилишни, ҳосилни йиғиштириб олишни қийинлаштиради ва пичаннинг сифатини пасайтиради. Пояси тик, бўйи 30-100 см. уруғдан ва вегетатив йўл билан



ўсимлиги 500 дан 3000 тагача уруғ тугади, нам тупрокда етарли бўлганда тупрок юзасидан ва 0,5 см чуқурликдан ҳам ўсиб чиқади.

Зубтурум (*Plantago major* L.) – зубтурумдошлар оиласига киради. Пояси 50 см гача ўсади, барги тухумсимон, думалок, текис қиррали (13-расм). Уруғи баҳордан кузгача униб чиқаверади. Май-сентябрда гуллаб уруғлайди. Фақат уруғидан кўпаяди.

Ўт сифатида экинлар орасида, ариқ бўйларида, зах ерларда ва боғларда кўп учрайди.

Ўзбекистонда зубтурумга ўхшаш тур бегона ўт баргизуб (*Plantago lanceolata*) ҳам учрайди. Бу ўт беда, ғўза, маккажўхори каби экинлар орасида ўсиб, иккинчи ва учинчи йили гуллаб уруғлайди. Кейин ер усти қисми қуриб келаси йили баҳорда яна уруғдан униб чиқади.

Илдизпоялилар. Бу гуруҳга кирадиган бегона ўтлар илдизпоясидан, яъни шакли ўзгарган судралиб ўсадиган ер усти поясидан кўпаяди. Буларнинг илдизлари ниҳоятда кучли ривожланган. Ҳар бир илдиз поянинг учида куртаклар бўлиб, шу куртаклардан янги новдалар ўсиб чиқади, яъни вегетатив усулда кўпаяди. Бу ўтлар тез кўпайиш хусусиятига эга, шунингдек уларнинг уруғидан ҳамда илдизпоядан ўсиши, уларга қарши курашишни анча қийинлаштиради.

Ўзбекистонда илдизпояли бегона ўтлардан: ғумай, ажриқ, саломалайкум, қамиш, буғдойиқ, рўвак катта зарар келтиради. Ғумай, саломалайкум карантин бегона ўтлар жумласига киради.

Ғумай (*Sorghum halepense* (L. Brot)) - бошқоқдошлар оиласига киради. Ўрта Осиёнинг пахтакор туманлари ғўза орасида ўсадиган энг зарарли бегона ўт ҳисобланади (14-расм). У майдан июнгача гуллайди ва июндан октябр ойигача ҳосил беради. Бўйи тик ўсади, 1,5 м гача етади, поясининг пастки қисмидан шохлайди.

Асосан уруғидан ҳамда илдизпояларидан кўпаяди.

Бир туп ўсимлигида 1-80 тагача илдизпоя ва 800 тагача бўғим ҳосил бўлиши мумкин. У жуда серуруғ ўсимлик бўлиб, ҳар тупи 2-3 мингта яқин уруғ беради.

Ғумай ғўза учун энг ашадий ўт ҳисобланади. Уни соялаб қўяди, бу ҳосилни анча камайтириб юборади.

Ғумайнинг ёш поя ва баргларида ҳайвонларни заҳарловчи синил ва цианоген глюкозид бўлади. Заҳарланиш қурғоқчилик йилларда айниқса кўпроқ кузатилади.

Ажриқ (*Cynodon dactylon* L.) - бошқоқдошлар оиласига киради. Ўзбекистонда барча экинлар, айниқса, ғўза орасида ниҳоятда кўп ўсади (15-расм). Бўйи 15-25 см, барглари лентасимон. Майдан июнгача гуллайди, июн-сентябр ойида ҳосил тугади.

Битта ўсимлиги 1-2 мингта уруғ тугади. Уруғи камдан-кам униб чиқади. Ажриқ, асосан, илдизпоясидан кўпаяди, илдизи қурғоқчиликка жуда чидамли, 1-2 йил қуруқ жойда турса ҳам кўкариш қобилятини йўқотмайди, нам тегиши билан кўкараверади.

Саломалайкум – *Cyperus rotundus* L. Қиёқдошлар (*Cyperaceae*) оиласига киради. Унинг 400 га яқин тури бор. Нам ерларда яхши ўсади (16-расм). Барча экинлар, айниқса, шоли ва ғўза ривожланишининг дастлабки даврларида, сабзавот-полиз ва бошқа экинларнинг энг зарарли бегона ўти ҳисобланади.

Бу бегона ўтдан кутилиш учун ерларни қуритиш ва агротехникавий тадбирларни амалга ошириш керак. Пояси тўғри, уч қиррали, ингичка, силлиқ, бўйи 15-20 см. Ўзбекистон шароитида июн-



14-расм. Ғумай



15-расм. Ажриқ

августда гуллайди. Уруғдан қандай кўпайса, поясидан ҳам шундай кўпаяди.

Илдизпояси ер юзасига қанча яқин жойлашса, бачкилар шунча кўп чиқади. Кўмилиш чуқурлигига қараб, битта тугунак турли сонда: 1-5 см да 4 та бачки, 10-15 см да 2

та бачки, 20-30 см да 1 та бачки ҳосил қилади. Саломалайкум уруғи, одатда, баҳорда жуда секин, бир неча йил давомида униб чиқади.

Илдиз бачкилилар. Бу биологик группасига ўқилдиздан ташқари, тупроққа 6 м гача кириб борадиган, ер юзасига яқин жойлашган кўпгина ён илдизлари бўлган бегона ўтлар киради. Ён шохларида ва асосий илдизида куртаклар кўп бўлади, бу куртаклардан янги ўсимликлар ўсиб чиқади. Кесилган жойидан ҳам кўп новдалар ҳосил қилади.

Ўзбекистонда ғўза ва бошқа экинлар орасида бу гуруҳга кирадиган 26 тури учрайди. Тупрокни жуда ифлослантиради. Буларга: кўйпечак, қизилмия, какра, янтоқ, аччиқмия, окмия, бўзтикан кабилар киради.

Кўйпечак (*Convolvulus arvensis* L.) - печакгулдошлар оиласига киради. Суғориладиган ва баҳорикор ерларда ўсади. Пояси ингичка, чирмашиб ўсади, узунлиги 30-100 см (17-расм). Ўзбекистонда май-августда гуллайди. Июнь-октябрда ҳосил тугади. Уруғдан ва вегетатив йўл билан кўпаяди. Битта ўсимлиги 600 тагача уруғ тугуши мумкин.

Илдиз системаси баққуват, тупроққа чуқур киради ва ён шохлар чиқаради. Илдизининг кесилган қисмидан ва ён шохлар чиқаради. Илдизининг кесилган қисмидан янги бачкилар ўсиб чиқади.

Кўйпечак ўсимликларни чирмаб олиб, уларни ётқизиб қўяди, пахтани машинада териш, ғаллани комбайинда ўриб олишни қийинлаштириб, улар иш органларининг синишига сабаб бўлади. Қишлоқ хўжалиги зараркундаларини тарқатувчи ўт ҳисобланади. Барча экинлар, айниқса, ғўза, беда, ғалла экинлари орасида кўп

Какра (*Centourea pilris* Pall) - мураккабгулдошлар оиласига киради. Тупроқнинг яхши намланишига талабчан. Поясининг бўйи 60 см га етади (17-расм). Ўзбекистон шароитида июн-сентябрда гуллайди, июл-сентябрда ҳосил тугади. Уруғдан ва илдиз бачкилардан кўпаяди.

Какра шўрга ва қурғоқчиликка чидамли карантин ўсимлик ҳисобланади. Илдизи горизонтал ривожланиб, чуқур жойлашади. Агар уй ҳайвонларига бериладиган емга 5% какра уруғи аралашган бўлса, бундай емни ҳайвонларга бериш мумкин эмас.

Какра ҳамма ерда, айниқса ғўза, ғалла, боғ, сабзавот экинлари орасида ўсади.

Бўзтикан (*Sonchus arvensis* L.) - мураккабгулдошлар оиласига киради. Ҳамма жойда учрайди. Ғўза ва бошқа экинлар орасида ўсади. Поясининг бўйи 80-120 см. Ўзбекистонда июн-августда гуллайди, июл-сентябрда ҳосил тугади. Уруғидан ва илдиз бачкисидан кўпаяди. Бир туп ўсимлиги 6-19 мингта уруғ тугади. Уруғида учмалар бўлиб, шулар туфайли шамол ёрдамида узоқларга тарқалади. Уруғи 0,5-1 см чуқурликда қийғос униб чиқади.

Қизилмия – (*Glycyrrhiza gladiiferae* W.K.) дуккакдошлар (Laguminosae) оиласига киради. Сизот сувлар юза жойлашган ерларда айниқса яхши ривожланади (18-расм). Суғориладиган барча экинлар орасида ўсади. Қизилмия ғўза орасида кўп бўлади, унинг энг ашаддий бегона ўти ҳисобланади. Тақирларда, тўқайларда, ариқлар, дарёлар бўйида учрайди. Пояси тўғри, шохланган, бўйи 75 см гача етади.



17-расм. Какра



18-расм. Қизилмия

Барглари қисқа бандли кўпгина баргчалардан иборат бўлган мураккаб барг, орқа томони қаттиқ тукчалар билан қопланган. Гули бинафша ранг бўлиб, шохчалар учида шингилларга тўпланган.

Меваси эгилган, катта ғуддали, қизил кўнғир рангли дуккак. Уруғи кул ранг яшил, деярли шарсимон.

Қизилмия, асосан илдиз бачкисидан ва уруғдан кўпаяди. Ўқилдизи тупроққа 5 м гача кириб боради. Ундан 20-30 см чуқурликда 3 м гача узунликдаги горизонтал илдизлар тарқалади. Ёш ўсимликларда горизонтал илдизлар яна ҳам юза жойлашган.

Бу ён илдизлардаги куртаклардан янги бачки новдалар ўсиб чиқади. Баҳорда қизилмиянинг янги новдалари тупроқ юзасига яқин жойлашган қишки куртаклардан ривожланади. Май-июлда гуллайди, июл-сентябрда ҳосил тугади.

Янтоқ - (*Alhagi comelorum* Fisch) дуккакдошлар (Laguminosae) оиласига киради. Ўзлаштирилмаган ерларда, уватларда, йўллар ёқасида, ариқлар бўйида ўсади (19-расм). Ўрта Осиёнинг кўпгина туманларида ғўза ва бошқа экинлар орасида ўсадиган ашаддий бегона ўт. Ўсимлиги тупланади, тикани, пояси шохланган бўлади, бўйи 80 см гача етади. Барглари майда, юмалоқ ёки овалсимон, учли. Гули майда, пушти бинафша рангда.

Меваси тўқ жигар ранг. Уруғи кўнғир рангда, ясси, буйраксимон шаклда. Июнь-августда гуллайди, июл-августда ҳосил тугади.

Янтоқ қурғоқчиликка жуда чидамли ўсимлик. У деярли илдиз бачкисидан ва уруғдан кўпаяди. Бачкилар ён илдизларида жойлашган куртаклардан ҳосил бўлади.

Пиёзбошлилар. Бу бегона ўтларнинг ер ости пояси пиёзбош билан тугайди. Уруғдан чиққан пиёз биринчи йили фақат барг чиқаради, иккинчи йилдан бошлаб эса поя ҳосил қилиб гуллайди ва уруғлайди.

Пиёзбошлилар асосан тоғли ерларда, баҳори дон экинлар орасида ўсади. Улар асосан вегетатив йўл билан кўпаяди.

Буларга: ёввойи пиёз, гул пиёз, саримсоқ пиёз, тоғ пиёзи, дашт пиёзи кабилар киради.

Ёввойи пиёз (*Allium rotundum* L.) – пиёзгулдошлар оиласига киради. Пояси оддий, ярмигача барг билан қопланган, бўйи 30-60 см, Ўзбекистонда май-июнда гуллайди (20-расм). Асосан, боғларда, тоқзорларда ва қисман экинлар орасида учрайди. Осон йўқотилади.

Судралиб ўсувчилар. Бу гуруҳга мансуб бегона ўтлар айиктовондошлар оиласига киради. Пояси ер устига ёйилиб ўсади, илдиз бўғимидан ривожланади, бунда палак ва гажаклар ҳосил қилади. Палаклари сербўғин бўлиб, ҳар бир бўғин ерга тегиб попук илдизлар чиқаради. Судралиб ўсадиган бегона ўтларга айиктовон, тугмачабош, куён ўт кабилар киради.

Айиктовон (*Ranunculus repens* L.) – айиктовондошлар оиласига киради. Уруғдан ва илдиз етадиган поясидан кўпаяди (21-расм). Нам ерларда яхши ўсади. Ўтлоқларда, далаalarda, томоркаларда, пастқам жойларда, ариқлар бўйида, сув ҳавзалари қирғоқларида, шопипояда учрайди.

Бегона ўтларнинг ғаллазорларда учрайдиган турларини аниқлашда олимларнинг ўтказган тажрибалари. МДХ давлатлари ҳудудида тарқалган 1500 турдаги бегона ўтларнинг ярмидан кўпроғини бир йиллик бегона ташкил этади. Ушбу бегона ўтларнинг баъзи бирлари, маълум бир туманларда кенг тарқалган



19-расм. Янтоқ



20-расм. Ёввойи пиёз.



бўлса (акрсирис, амброза), айримлари тор доирада (тиканли итузум), бир хиллари жанубда (бўритароқ), бошқалари - ғарбда (сули ёки кум ёввойи сулиси) ёки шимолий ҳудудларда (юлдузўт, дивала, галеопсис) учрайди. Шунингдек, баъзи бир бегона ўтлар борки, уларни барча деҳқончилик қилинадиган ҳудудларда (космополитлар), шўра, жағ-жағ, печак ва бошқаларни учратиш мумкин (Котт, 1969). Шунингдек алоҳида таъкидлаш лозимки, бегона ўтларнинг тур ва миқдори йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 70 йиллардан кейин МДХ мамлакатларида бегона ўтларнинг 2 мингдан ортиқ тури учраган бўлса, Ўзбекистонда эса 72 та оилага мансуб бўлган бегона ўтларнинг 841 та тури учрайди. Жумладан 519 тури бир йиллик, 322 тури эса кўп йиллик бегона ўтларга тўғри келади (Бурўгин, Жонгуразов, 1975; Маматов, Мамажонов, 1997). Лекин, қишлоқ хўжалигига келтириляётган зарар бўйича бир йиллик бегона ўтлар кўпроқ устунлик қилади. Кўп йиллик ўқ илдизли бегона ўтлар 21%, илдизпоялилари 7% ва қолган барча биологик гуруҳлардаги бегона ўтлар 2% атрофида учрайди (Гомолицкий, 1982).

Бешанов А.В. (1988) кейинги йилларда МДХ мамлакатларида бегона ўтларнинг 1030 дан ортиқ тури тарқалган деб ҳисоблайди. Ушбу бегона ўтлардан у ёки бу ҳудудларда 80-120 та тури кучли зарар келтиради (Бешанов ва бошқалар, 1983,1986; Фисюнов, 1983). Шунингдек, ҳар бир даланинг ўзида ҳам ўта хавфли бегона ўтларнинг 15-20 турини учратиш мумкин ва уларга қарши агротехникавий, кимёвий курашиш тадбирларини уйғунлашган ҳолда қўшиб олиб бориш керак, деб ҳисоблайди муаллифлар.

Захаренко В.А., Захаренко А.В. (2004) маълумотларига қараганда, дунёда энг кўп иқтисодий зарар келтирувчи бегона ўтлар тури L.Holm га 59 та оиладан 206 та бегона ўт қарашли бўлиб, шундан: 80 тури ўта хавфли бўлиб, қуйидаги оилаларга таълуқли: Poaceae (Gramineae)-44, Cyperaceae-12, Asteraceae (Compositae)-7, Leguminosae-6, Convolvulaceae-5, Euphorbiaceae-5, Chenopodiaceae-4, Malvaceae-4, Solanaceae-4, қолган 47 та оилада 1-3 тадан хавфли бегона ўтлар тури учрайди.

Гомолицкий П.А. (1986) Ўзбекистонда тарқалган бегона ўтларнинг яшаш шароитига қараб, 3 гуруҳга бўлади: лалми ердаги экинларнинг бегона ўтлари, суғориладиган ерлардаги ва шолзордаги бегона ўтлар. Баъзи бегона ўтлардан ташқари, ҳар хил шароит ва ҳудудларда ҳам яхши ўсиб, ривожланидиган ғумай, янтоқ, какра каби бегона ўтлар ҳам мавжуд.

Бегона ўтлар ғаллазорларда ўсиши, ривожланиши ва бўйига қараб, уч гуруҳга бўлинади:

-юқори қават (ярус) бегона ўтлари, бундай бегона ўтларнинг бўйи ғалладан анча баланд бўлади (ғумай, бўзтикан, янтоқ, какра ва ҳ.к.).

-ўрта қават (ярус) бегона ўтлари, ушбу бегона ўтларнинг бўйи ғалланинг бўйи билан бир хил бўлади. Масалан, исмалоқ, лолақизғалдоқ, шабада ва бошқалар.

Юқорида кўрсатилган икки гуруҳга кирувчи бегона ўтлар, маданий ўсимликларнинг бутун вегетацияси даврида уларнинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади ва ҳосилни комбайнлар билан ўриб-йиғиштиришни қийинлаштиради, ғалла сифатини пасайтиради ҳамда кўплаб ҳосилни нобут бўлишига олиб келади;

-пастки қават (ярус) бегона ўтларнинг бўйи ғалланикидан анча паст бўлади. Бу гуруҳ бегона ўтлари (қизилтасма, итқўноқ ва бошқалар) маданий ўсимликлар билан фақат уларнинг бошланғич ривожланиш давларидагина рақобат қилишади, ҳосилни комбайнлар билан ўриб-йиғиштириб олишга таъсир кўрсата олмайди (Ҳамраев, Ҳасанов ва бошқалар, 1999).

Демак, бегона ўтларнинг биологик хусусиятларини яхши билган тақдирдагина, уларга қарши самарали курашиш тадбирларини ишлаб чиқиш мумкин экан.

Маълумотларга қараганда республикаимиз ғаллазорларида 79 турдан ортиқ бегона ўтлар тарқалган бўлиб, шундан: эфемерлар – 2, эрта баҳорчилар – 6, кеч баҳорчилар – 31, кишловчилар – 4, икки йилликлар – 4, кўп йиллик ўқ илдизлилар – 11, илдиз поялилар – 8, илдиз бачкилилар – 2 ва ер бағирлаб ўсувчи бегона ўтлар – 1 та турни ташкил этади.

Ғаллазорларни энг кўп ифлослантирадиган бир йиллик бегона ўтлар 54,4%, икки йилликлар – 5,1 % кўп йилликлар 40,5% атрофида учрайди. Бегона ўтлар миқдори аниқланган майдонларда ҳар хил ўсимликлар оиласи, турига таълуқли бўлган бир-икки ва кўп йиллик бегона ўтлар мавжуд (3-жадвал).

3-жадвал

Ғаллазорларда учрайдиган асосий бегона ўтларнинг турлари.

Оиласи	Ўзбекча номи	Русча номи	Латинча номи
Кам йилликлар. Бир йиллик бегона ўтлар: 1. Эфемерлар Caryophyllaceae-чиннигулдошлар	Юдузўт Лолақизғалдоқ	Звездчатка Ремерия атогнутая	<i>Stellaria media</i> Roemeria <i>refracta</i>
2.Баҳорги бегона ўтлар: -Эртаги баҳорчилар 1. Polygonaceae-торонгулдошлар	Қизил тасма	Гречишка птичья	<i>Polygonum aviculare</i> L.
2. Gramineae-Ғалладошлар	Ёввойи сули	Овсяг пустой	<i>Avena fatua</i> L.
3. Chenopodiaceae-шўрадошлар	Олабута	Лебеда татарская	<i>Atriplex tatarica</i> L.
	Олабута	Лебеда веероплодная	<i>Atriplex flabellum</i> Bge.
	Шўра	Марь красная	<i>Chenopodium rubrum</i> L.
	Шўра	Марь белая	<i>Chenopodium album</i> L.
-Кечки баҳорчилар 1. Amarantaceae-гултожихўроздош-лар	Ёввойи гултожихўроз	Хирица запрокинута	<i>Amaranthus retroflexus</i> L.
	Оқ шўра	Хирица белая	<i>Amaranthus albus</i> L.
	Эшакшўра	Хирица тминда	<i>Amaranthus blitum</i> L.
2. Gramineae-Ғалладошлар	Куён (сичқон) арпа	Ячмень мўшинўй	<i>Hordeum murinum</i>
	Ёввойи арпа	Ячмень дикий	<i>Hordium spontantum</i>
	Шамак	Куриное проса	<i>Echinochloa crusgalli</i> (L.)
	Мастак	Плевел опьяняющий	<i>Lolium temulentum</i> L.
	Итқуноқ	Хетинник сизўй	<i>Setaria qlauca</i> (L.) Beauv.
	Кўк итқуноқ	Хетинник зеленўй	<i>Setaria viridis</i> (L.) P.B.
3. Compositae-мураккабулдошлар	Ғўзатикан	Дурнишник обукновеннўй	<i>Xanthium strumarium</i> L.
	Қўйтикан	Дурнишник колючий	<i>Hanthium sponcum</i>
	Бурган	Полунь однолетняя	<i>Artemisia annua</i> L.
	Қушқунмас	Сафлор туркестанский	<i>Carthamus turkestanicus</i> M.
	Қайлюғун	Осот полевой	<i>Songhus arvensis</i>

4. <i>Chnopodiaceae</i> - шўрадошлар	Исмалоқ	Шпинат Туркестанский	<i>Spinacia Turkestanica</i> Jljin.
	Қурай	Курай, солянка хлмовая	<i>Solsola collina</i> Pall
5. <i>Boraginaceae</i> - гавзабондошлар	Туяқорин, ҳазаранг	Шпинат Туркистанский	<i>Spinacia Turkestanica</i> Jljin.
	Хорок	Курай, солянка хлмовая	<i>Solsola collina</i> Pall
6. <i>Zygophyllaceae</i> - туятовондошлар	Темиртикан, чакиртикан	Якорцў приземнўе	<i>Tribulus terrestris</i> L.
7. <i>Portulacaceae</i> - семизўтдошлар	Семизўт	Портулак оғоронднўй	<i>Portulaca olearcea</i> L.
8. <i>Solanaceae</i> - итузумдошлар	Итузум	Паслен чернўй	<i>Solanum nigrum</i> L.
	Мингдевона	Белена черная	<i>Hyoscyamus niger</i>
	Бангидевона	Дурман обукновеннўй	<i>Datura stramonium</i> L.
9. <i>Malvaceae</i> - гулхайридошлар	Дағалканоп (ғўзор) Тугмачагул	Канатник Теофраста Мальва дикая	<i>Abutilon theophrasti</i> Medic. <i>Malva silvestris</i> L.
10. <i>Cruciferae</i> - кресгулдошлар	Сассикқапа Шуворан	Дескुरения Софии	<i>Descurainia sophia</i> (L.) Schur.
11. <i>Primulaceae</i> - наврузгулдошлар	Совун ўт	Оғнўй цвет полевой	<i>Anagallis arvensis</i> L.
12. <i>Papaveraceae</i> - кўкнордошлар	Шотара	Дўмянкa вайланта	<i>Fumaria vailantii</i> Loisl.
	Гипекоум (майда гул)	Житник повўслўй	<i>Hypocoum parviflorum</i>
13. <i>Leguminosae</i> - дуккакдошлар	Дала бурчок	Горох полевой	<i>Pisum arvense</i>
14. <i>Rubiaceae</i> -рўендошлар	Чакамиқ, кумриўт	Подмаренник цепкий	<i>Galium apazine</i>
1. Қишловчи бегона ўтлар 1. <i>Cruciferrae</i> - кресгулдошлар	Ярутка Жағ- жағ, очамбити	Ярутка Пастушья сумка Крепколодник	<i>Thlapsi arvense</i> L. <i>Capsella bursapastoris</i> L. <i>Euclidium</i>
	Оқчитир, кағғатирноқ	Сирийский	<i>Syriacum</i> (L.) R.Br.
	Қуртэна	Гулявник лезеля	<i>Sisymbrium loeslii</i> L.
Икки йиллик бегона ўтлар. 1. <i>Leguminosae</i> - дуккакдошлар	Қашқарбеда	Донник лекарственнўй	<i>Melilotus officinalis</i> Dosr.
2. <i>Compositae</i> - мураккабдошлар	Туяқуйруқ	Чертополох беловатўй	<i>Carduus nutaus</i>
3. <i>Umbelliferae</i> - соябонгулдошлар	Ёввойи сабзи	Дикая марковь	<i>Daucus carota</i> L.

4. Brassicaceae- карамдошлар	Тласпи	Ярутка полевая	Thlaspi arvense
Кўп йиллик бегона ўтлар. -Ўқ илдизли бегона ўтлар 1. Compositae- мураккабгулдошлар	Эчкисоқол	Козлобородник головчатўй	Tragopogon capitatus
	Қоқиўт	Одуванчик обукновеннўй	Taraxacum vulgare L.
	Сачратқи	Цикорий обукновеннўй	Cichorium intubus L.
	Бўйимардон (бошоғри ўт)	Тўсячилистник обукновеннўй	Achillea millefolium
	Суттикан	Латук татарский	Lactuca tatarica F. Et.M.
2. Polygnaceae- торонгулдошлар	Отқулоқ	Ҳавель	Rumex acetosella
3. Leguminosae- дуккакдошлар	Так-так тоқарпа	Ячмен	Hordeum bulbosum
4. Malvaceae- гулхайридошлар	Гулхайри	Алтей армянский	Althaea armeniaca Ten.
5. Boraginaceae- гавзабондошлар	Кампирчапон	Триходесма седая	Trichodesma incanum (Bge)
6. Umbelliferae- соябонгулдошлар	Беклар ўти	Колюгеносец зибторпа	Echinophor sibthopiana
7. Rutaceae-рўтадошлар	Тошбақа ўти (Толи)	Цельностник исколотўй	Haplophyllum perforatum
-Илдизпояли бегона ўтлар 1. Equisetaceae- қирқбуғиндошлар	Қирқбуғин	Хвоҳ полеовй	Equisetum arvense L.
	Қирқбуғин	Хвоҳ ветвистўй	Equisetum ramosissimum Des.
2. Gramineae-бошоқдошлар	Ғумай	Сорго аллепское	Sorghum Halepense (L.) Pers.
	Ажрик (чайр)	Пальчатая трава, свиной	Cynodon dactylon (L.) Pers.
	Буғдойик	Пўрей ползучий	Elytrigia repens (L.) Nevski.
	Саломалайкум	Сўт круглая	Cyperus rotundus L.
3. Leguminosae- дуккакдошлар	Талхак, аччикмия	Талхак толстоплоднўй	Vexibia pachycarpa (Schr.)
	Оқмия	Талхак обукновеннўй	Vexibia alopecuroides L.
-Илдиз бачкилилар 1. Leguminosae- дуккакдошлар	Кўк читир	Мимозка вўполненная	Lagonichium farctum (Banks.et.Sol.)
	Янтоқ	Верблютья колючка	Alchagi pseudoalchagi (MB.) Des.
	Қизилмия	Солодка обукновенная	Glycyrrhiza glabra L.
2. Convolvulaceae- печакгулдошлар	Қўйпечак	Вўюнок плевой	Convolvulus arvensis L.
3. Scrophulariaceae-	Такасоқол	Додарция восточная	Dodartia orientalis L.

сигиркуйрукдош-лар			
4. Compositae- мураккабгулдошлар	Какра	Горчак ползучий	<i>Acroptilon repens</i> (L.)DC.
	Пахтатикан, латтатикан	Бодяк желтова-точешуйнўй	<i>Cirsium ochrolepidium</i> Juz
	Оқбош	Карелия каспийская	<i>Karelinia caspia</i> (pall.) Less.
	Бузтикан	Бузтикан	<i>Sonchus arvensis</i> L.
5. Cruciferae- кресгулдошлар	Бақажўхори	Перечник широколистнўй	<i>Lepidium latifolium</i>
-Шингил илдизли бегона ўтлар 1. Plantaginaceae- зубтурумдошлар	Зубтурум	Подорожник большой	<i>Plantago major</i> L.
-Ер бағирлаб ўсувчи бегона ўтлар 1. Ranunculaceae- айиқтовондошлар	Айиқтовон	Лютик полевой	<i>Ranunculus arvensis</i> L.

Республикада ғаллазорларида учрайдиган асосий бегона ўтларнинг хусусиятлари билан танишиб, қуйидаги ҳулосаларни қилиш мумкин:

1. Ўзбекистон Республикасининг суғорилиб деҳқончилик қилинадиган ерларида бегона ўтларнинг 400 дан ортиқ, ғаллазорларда эса 80 га яқин тури мавжуд бўлиб, шундан: бир йилликлар – 54,4 %, икки йилликлар – 5,1 % ва кўп йилликлар – 40,5 % ташкил этади. Шунинг алоҳида таъкидлаш зарурки, ғалла далаларида келтириётган зарари бўйича бир йиллик бегона ўтлар кўпроқ устунлик қилади ва кузги буғдой ҳосилини 10-18, баъзи вақтларда 20-30 % камайтиради.

2. Ғаллазорларда кенг тарқалган бегона ўтларга қарши курашишда тупроққа асосий ишлов бериш чуқурлиги ва усуллари тўғри танлаб, уни кимёвий тадбирлар билан уйғунлашган ҳолда қўллаш, бегона ўтларни 80-98,6 % нобуд қилиб, кузги буғдой дон ҳосилини 20-40 % ошириш имкониятини яратади.